



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ САММИТИ ДОИРАСИДА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун 16 сентябрь куни Душанбе шаҳрига келди.



Давлатимиз раҳбарини Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода ва бошқа расмий шахслар қутиб олди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи давлатларидан бири. 2001 йилда тузилган мазкур ташкилотга бугунги кунда саккизта мамлакат — Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзо.

Ўтган 20 йилда ташкилот халқаро доирада нуфузли тузилмага айланди. Бугун ШХТ макони дунё аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, бой табиий ресурслар, илғор технологиялар ва улкан истеъмол бозори-га эга.

Ўзбекистон ШХТга савдо-иқтисодий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳаларда кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш, минтақавий хавф-хатарлар ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашининг муҳим воситаси сифатида қарайди.

Мамлакатимиз ташкилот доирасидаги ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ҳамкорлик кўламини кенгайтириш ва натижадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига уч марта — 2003-2004, 2009-2010 ва 2015-2016 йилларда муваффақиятли раислик қилган. 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат маконини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланган ва улар учун ташкилотга йўл очилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Тожикистон Республикаси Президенти, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири, Эрон Ислом Республикаси Президенти билан учрашувлар ўтказди.

Президент Эмомали Раҳмон билан мулоқотда кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ иқтисодий тармоқларда кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурини амалга ошириш мақсадида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Афғонистонда вужудга келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.



Давлатимиз раҳбари Тожикистоннинг ШХТдаги сермахсул раислиги даврида эришилган натижаларни юксак баҳолади ва бўлажак саммит тадбирлари муваффақиятли ўтказилишини тилади.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан музокарада икки мамлакат етакчиларининг жорий йил июль ойида Тошкент шаҳрида ўтган саммитида Ўзбекистон ва Покистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Шу йил бошидан икки томонлама товар айирбошлаш 2,5 баробар ортгани, 30 дан ортиқ янги қўшма корхона ташкил этилгани таъкидланди. Тошкент ва Лаҳор шаҳарлари ўртасидаги авиақатновлар тикланди.

Самарали ишбилармонлик алмашинувларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш борасида биргаликдаги ишларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Энг аввало, преференциал савдо тўғрисидаги шартномани тез фурсатда қабул қилиш, транзит ва савдо муносабатлари тўғрисидаги битим қондаларини бажариш, қабул қилинган "йўл харитаси"га

мувофиқ иқтисодийнинг турли тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш шулар жумласидан.

Учрашувда Афғонистонда вужудга келаётган ҳолатдан келиб чиқиб минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш масалаларида яқиндан ҳамкорлиқни давом эттиришга келишиб олинди.

Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Эрон Президенти юксак давлат лавозимига сайлангани билан яна бир бор самимий қутлаб, масъулиятли фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо кўрсаткичлари изчил ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, паррандачилик, балиқчилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда бизнес лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий алоқалар сўра-тини давом эттириш ва янги "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш мақсадида қўшма Ҳукуматлараро комиссия ишини фаоллаштиришга келишиб олинди.



Бундан ташқари, "йўл харитаси" асосида саноат кооперациясини қучайтириш истиқболлари ҳамда икки мамлакат транзит салоҳиятини самарали ишга солиш имкониятлари ваколатли идоралар даражасида пухта ўрганилди.

Давлат раҳбарлари минтақа кун тартибидagi масалаларни, шу жумладан, Афғонистонда вужудга келаётган вазиятдан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг асосий тадбирлари 17 сентябрь кунини бўлиб ўтди.

Тожикистон раислигида ўтказилаётган саммит ишида ШХТга аъзо давлатлар — Ҳиндистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Покистон Ислом Республикаси ва Россия Федерацияси етакчиларининг иштирок этиши қутлимқоқда.

Шунингдек, давлат раҳбарлари мажлисида ташкилот ҳузурида қўзғатувчи мақомидаги мамлакатлар томонидан Беларусь Республикаси, Эрон Ислом Республикаси ва Мўғулистон Президентлари қатнашади. Мажлисининг фахрий меҳмони сифатида Туркменистон раҳбари тақдир этилган.

Саммитда ШХТ ижроия органлари ва бошқа халқаро институтлар раҳбарлари ҳам иштирок этади.

Кун тартибига мувофиқ, иштирокчилар ШХТнинг ўтган 20 йилги фаолиятининг асосий якунларини кўриб чиқади, кўп томонлама ҳамкорлиқнинг долзарб вазифаларини муҳокама қилади. Глобал сиёсат ва минтақа кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Саммит якунида Душанбе декларацияси қабул қилиниши, давлатлар раҳбарларининг қарорлари ва ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришга доир бошқа кўп томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган. ШХТга раислик Ўзбекистон Республикасидаги ўтиши саммитнинг муҳим воқеаси бўлади.

Президентимиз анжуман доирасида Афғонистондаги вазият бўйича "ШХТ — КХШТ" форматидаги учрашувда иштирок этиши кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

РАВБАТ ВА НАТИЖА



ҚАЛБДА ҚУВОНЧ БЎЛСА, ИШГА БАРАКА ИНАДИ

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимояси — саломатлигидан то уй-жой билан таъминланиш даражасигача эътиборда. Айниқса, бугун ташкилотлар ҳам ўз ишчи-ходимлари саломатлигини қатъий назоратга олгани, профилактик муолажаларга жалб қилаётгани, уйга муҳтож ёки уйсиз ёшларни уй билан таъминлаётгани, кам таъминланган оилаларга қўмак бераётгани кишини қувонтиради.

Юртимизнинг йирик саноат корхоналаридан бири — Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан ҳам ишчи-ходимларнинг муносиб турмуш кечириши учун салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давоми 4-бетда

САЙЛОВ — 2021

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ЮРТ ТАҚДИРИ, ОДАМЛАРНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛ

Мамлакатимизда давлат ва жамиятни модернизация қилишга йўналтирилган тўб ислохотларнинг устувор вазифалари ҳамда асосий йўналишларидан бири — инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама кенг таъминлашдан иборат. Амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти демократик талабларга, умумэтироф этилган халқаро стандартларга уйғунлаштирилиб, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини янада фаол ва эркин ифода этиши учун кафолатлар кенгайтирилмоқда.

24 OKTABR 2021-YIL
O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

Сўнгги йилларда эркин ва адолатли сайловларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, тақомиллаштириш ва ривожлантириш борасида улкан амалий тажриба тўпланди. Бу Президент сайлови билан боғлиқ қонунчилик нормалари ва талабларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Давоми 3-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни мамлакатдаги таълим-тарбия тизими, ёш авлоднинг яшаш, дам олиши учун яратилган шарт-шароитларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Етим болалар

ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан

қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари айнан ана шу шарт-шароитларни яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Уларда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мукаммал институционал, ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, болаларга таълим, уй-жой, меҳнат қилиш ва соғлиғини сақлаш бўйича имтиёзлар бериш тизими қамраб олинган.

Давоми 5-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги Раёсат мажлисида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси раҳбарларининг “Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлари, шу жумладан, уруғчилик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш ва уруғлик етиштириш, уруғчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази қайта ташкил этилди.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Ушбу норматив ҳужжатларга асосан республика бўйича 53 та элита уруғчилик ҳўжаликлари ташкил этилиб, уларнинг 5 549 гектар экин ер майдонларида қишлоқ ҳўжалиги экинларининг юқори авлодли уруғлари етиштирилмоқда.

Жумладан, 2 133 гектарда гўза, 1 945

гектарга бошоқли дон экинлари, 528 гектарга озуқа экинлари, 93 гектарга сабзавотлар, 116 гектарга мойли экинлар ва 58 гектарга полиз экинларининг серхосил навларининг юқори авлод уруғлари экилган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Хоразм вилоятида қовун етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Хоразм вилоятида 113 гектар ерда қовун етиштириш тизими йўлга қўйилган.

“Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан ҳар йили қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларини етиштирувчиларнинг реестри шакллантирилади.

Жумладан, 2021 йилда 3 746 та пахта уруғчилиги ва 3 570 та бошоқли дон экинларининг уруғларини етиштирувчиларнинг реестри шакллантирилган.

Қонунга мувофиқ, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, ҳали жойларда фойдаланилмаган имкониятлар, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларининг серхосил, юқори авлодли уруғликлар билан таъминлаш, сабзавотларнинг турлари бўйича юқори авлодли уруғлик етиштирувчи ихтисослаштирилган ҳўжаликлари ташкил этиш ва уларнинг ишларини илмий жиҳатдан йўлга қўйиш каби қатор масалалар ўз ечимини қутаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, мажлисда 2022 йил учун мақсадли вазифалар белгиланиб, бунда қуйидаги устувор вазифалар долзарблиги алоҳида таъкидланди:

Биринчи. “Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларининг наводорлик ва экинбоплик сифат кўрсаткичлари соҳасидаги давлат сиёсатининг ижросини таъминлаш, серхосил қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларини районлаштириш ва юқори авлодли навли уруғликлар ва кўчатларни тайёрлаш.

Иккинчи. жойларда мавжуд элита уруғчилик ҳўжаликлари ҳудудларнинг шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иклим шароити, сув таъминотидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғларини етиштиришга босқичма-босқич ихтисослаштириш.

Учинчи. ҳудудларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни наводорлик ва экинбоплик сифат кўрсаткичлари кафолатланган, серхосил, юқори авлодли қишлоқ ҳўжалиги экинларининг уруғлари ва кўчатлари билан таъминлашни йўлга қўйиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлиси яқунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

КУН МАВЗУСИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНА БИР БИОСФЕРА РЕЗЕРВАТИ ЮНЕСКО РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

**Халилулла ШЕРИМБЕТОВ,
Давлат экология кўмитасининг
Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар
бошқармаси бошлиғи**

Авалло, таъкидлаш жоизки, ЮНЕСКОнинг биосфера резерватлари ҳозирда ер юзининг 5 фоиздан ортигини эгаллайди. Хусусан, бу тармоқ дунёнинг 131 мамлакатидagi 727 резерватни, шунингдек, 22 трансчегаравий объектларни ўз ичига олади. Асосий мақсад эса биохилма-хилликни сақлаш, экологик таълим, тадқиқот ва барқарор ривожланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш саналади.



“Инсон ва биосфера” дастури Халқаро мувофиқлаштирувчи кенгашининг Абуджа шаҳрида (Африка) бўлиб ўтган 33-сессиясида яна 21 мамлакатдан 20 та янги объект Бутунжаҳон биосфера резерватлари тармоғига киритилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ҳам бор.

Мазкур резерват Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йили 26 августдаги қарори асосида Бадайтўқай давлат қўриқхонаси негизда ташкил этилган.

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Амударё туманлари ҳудудларида жойлашган бўлиб, умумий майдони 68 717,8 гектарни ташкил қилади. Шундан 11568,3 гектар қўриқхона, 6731,4 гектар буфер, 50418,1 гектар ўтиш зонасига ажратилган.

Биосфера резерватининг асосий вазифаси ландшафтларни, тўқайлардаги ноёб, йўқ бўлиб кетиш хавфи бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиат

объектларини сақлаб қолиш ва қайта тиклашдан иборат.

Биосфера резерватида 400 дан зиёд ўсимлик турлари аниқланган бўлиб, шундан 2 тур Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ноёб ўсимлик ҳисобланади.

Ҳудудда 36 тур сут эмизувчилар, 246 тур қушлар, 29 тур судралиб юрувчилар, 43 тур балиқлар синфига мансуб ва 2 тур сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар учрайди. Улардан 36 тур ҳайвон Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига, 18 тури эса Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил рўйхатига киритилган ноёб ҳайвонлар ҳисобланади.

Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг асосий гуруҳи Бухоро бугўси ҳисобланиб, шу йил баҳорда ўтказилган sanoқ натижаларига кўра ҳудудда 1400 бошдан ортиғи яшайди.

Мазкур ҳудуднинг Бутунжаҳон биосфера резерватлари тармоғига киритилгани эса, аввалло, бу ерда табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини янада самарали асраш,

Ҳудудда 36 тур сут эмизувчилар, 246 тур қушлар, 29 тур судралиб юрувчилар, 43 тур балиқлар синфига мансуб ва 2 тур сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар учрайди. Улардан 36 тур ҳайвон Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига, 18 тури эса Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил рўйхатига киритилган ноёб ҳайвонлар ҳисобланади.

улар турлари, сонини кўпайтириш имконини кенгайтиради. Ўз навбатида, туризм ривожига ҳам хизмат қилади.

МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР

ЖОЗИБАДОР ИМКОНИЯТЛАР ҲУДУДИ

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бу дунёда ҳамма нарса бир-бири билан узвий боғлиқ. Айниқса, иқтисодиётда. Масалан, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун замонавий, юксак технологияли қувватлар зарур. Бундай корхоналарни барпо қилиш учун эса, хорижий ва маҳаллий инвестицияни жалб этиш яхши самара беради. Улар ўз навбатида, қўлай шарт-шароитлар яратилган, кенг имтиёз, рағбатлар берилган жойда бутун салоҳиятини намойён этади. Мана шу жиҳатларнинг барчаси мужассам бўлган масканда махсус ёки эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш имконияти вужудга келади.

Тадқиқотчилар дастлабки махсус иқтисодий зона сифатида 1547 йилда “Эркин савдо шаҳри” деб эълон қилинган Италиянинг Ливорно шаҳрини тилга олишади. Шундай ҳудудни ўзига хос ташқи савдо анклав сифатида таърифлаган 1973 йилги Киото конвенцияси имзолангандан кейин эркин иқтисодий зоналар қўллаб-мамлakatларда пайдо бўлди. Масалан, утган асрнинг 90-йилларида уларнинг турли қўринишдаги сонига нисбатан минглаб, деган таъриф қўлланила бошланган бўлса, айни кунга келиб дунёнинг 150 га яқин давлатида 5 400 дан ортиқ иқтисодий ҳудудлар мавжуд.

Улар орасида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган махсус иқтисодий зоналар ҳам бор. Мамлакатимизда 2008-2016 йиллар давомида факатгина 3 та ана шундай ҳудуд ташкил этилган бўлса, айни кунга келиб улар сони 23 тага етди. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган.

Махсус иқтисодий зоналар бўш турган ва фаолият кўрсатаётган давлат мулк объектлари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ҳудудлари негизда, шунингдек, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларда ташкил этилади.

Эътироф этиш жоиз, мамлакатимиз ҳудудларининг имкониятлари катта. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик sanoат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган

эди. Унга мувофиқ, жорий йилда эркин иқтисодий ва кичик sanoат зоналари инфратузилмасини яхшилаш учун 1 триллион 600 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Хусусан, 17 та эркин иқтисодий зонада қўшимча электр энергияси, газ, ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини барпо этиш учун 584 миллиард сўм йўналтирилади.

Жорий йилда эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган 332 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

2016 йил 26 октябрда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида асосан, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари ўз йилдан ўн йилга қадар ер, фойда солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, обodonлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан озод этилган. Бунда киритилган сармоялар миқдори инобатга олинган, яъни:

300 мингдан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил; 3 миллиондан 5 миллион АҚШ долларигача — 5 йил; 5 миллиондан 10 миллион АҚШ долларигача — 7 йил; 10 миллион ва ундан кўп АҚШ долларига ҳажмдаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилиши назарда тутилган эди.

— 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги Президент фармони билан бир қатор ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди, — дейди Давлат

солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи Музаффар Назаров. — Уларга мувофиқ, 2020 йил 1 октябрга қадар эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини ва “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда алоҳида солиқлар, шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган. Жумладан, Қонуннинг 39-моддасига асосан, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари солиқ бўйича имтиёزلардан Солиқ кодексига белгиланган тартибда фойдаланиши қайд этилган.

Ўтган йили янги Солиқ кодексини амалга киритилганидан кейин махсус иқтисодий зона иштирокчилари шу каби имтиёзлар сақланиб қоладими ёки йўқми, деб безовта бўлиб, мутасадди идораларга мурожаатлар билан чиққан эди.

— Ўзбекистон Президентининг жорий йил 14 сентябрь куни инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган “Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан бу масалага тўла ойдинлик киритилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик



300 мингдан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил; 3 миллиондан 5 миллион АҚШ долларигача — 5 йил; 5 миллиондан 10 миллион АҚШ долларигача — 7 йил; 10 миллион ва ундан кўп АҚШ долларига ҳажмдаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилиши назарда тутилган эди.

палатаси депутати Абдигани Умиров.— Қарорга мувофиқ, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини пандемия даврида янада қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқ тўловларидан олдин берилган айрим имтиёзлар муддати узайтирилмоқда ҳамда улар фаолияти учун бир қатор энгилликлар ҳам кўзда тутилмоқда.

Биринчидан, 2020 йил 1 январдан бошлаб махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинган эди. Эндликда эса 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зона иштирокчилари рўйхатига киритилган иштирокчилар учун улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, реестрга киритилган санадан бошлаб 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатларда ушбу имтиёз тўлиқ қўлланилади. Шу мақсадда махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, фойда солиғи бўйича имтиёзлар беришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига 2021 йил 15

сентябрдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришда ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилганда қўшилган қиймат солиғи ва божхона божини фоизлар ҳисобланмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Учинчидан, махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига ортиқча қўшилган қиймат солиғи суммасини етти кун ичида қоплаб бериш тартибига қатъий амал қилиниши назарда тутилмоқда. Бундай тартиб тадбиркорларга бир йилда ўртача 350 миллиард сўм қўшилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайтариб олиш ва айланма маблағларини кўпайтириш имкониятини яратади.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур қарорда кўзда тутилган имтиёзлар, аввалло, тадбиркорларимизга, инвесторларга фаолият олиб боришлари зарур бўлган молиявий ресурслардан унумли фойдаланишларига ва улар томонидан рақобатдош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришларига кенг имкониятлар яратиши билан янада аҳамиятлидир.



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ЮРТ ТАҚДИРИ, ОДАМЛАРНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛ

Гулноза РАҲИМОВА,
Марказий сайлов комиссиясининг
доимий аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Халқаро талаблар ва миллий қонунчилик

Конституциямизнинг 1-моддасига асосан Ўзбекистон — суверен демократик республика. Демократик республикада давлат ҳокимияти органлари, хусусан, Президент даврийлик асосида ўтказиладиган сайловларда муайян муддатга сайланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасида даврийлик принципи асосида сайловлар ўтказиш, Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгаши ҳужжати 7.1, 7.7-бандларида асосан халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирок этувчи давлатлар қонунда белгиланганидек, оқилона вақт оралиғида эркин сайлов ўтказиши кўзда тутилган. Европа Кенгашининг Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган сайловларга оид тамойилларда ҳам сайловлар даврийлик принципи асосида мунтазам ўтказилишига оид тамойил белгиланган. Яъни оқилона вақт оралиғида сайлов ўтказиш — демократиянинг муҳим белгиси.

Шу маънода, мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади. Ушбу беш йиллик муддат жаҳондаги умумий тенденцияга мос бўлиб, БМТга аъзо 193 мамлакатдан 95 тасида давлат раҳбарлари 5 йил муддатга сайланади.

Миллий қонунчилигимизда Президентликка номзодларга қўйиладиган талаблар жаҳон стандартларига тўла мос. Сайловларга оид тамойилларда умумий сайлов ҳуқуқи муайян шарт-шароитларга кўра чекланиши мумкинлиги қайд этилади. Бундай чекловлар сифатида ёш, фуқаролик, мамлакат ҳудудида муайян вақт яшаш муддати (ўтроқлик), жиддий ҳуқуқбузарлик учун ҳукм қилинганлик қабили кўрсатиб ўтилган.

Конституциявий қурилишнинг халқаро амалиётида давлат раҳбарининг ваколат муддатини чеклаш институти мавжуд. Аини бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Президент бўлиши мумкин эмаслигига оид қоида биринчи марта дунё конституционализмида АҚШ Конституциясига йигирма иккинчи тузатиш билан 1947 йил 21 мартда киритилган.

Жаҳонда давлат раҳбарлари ваколат муддатларини чеклашнинг беш тури бор.

Биринчиси, умуман чекловнинг йўқлиги: Озарбайжон, Беларусь, Боливия, Исландия, Италия, Кипр, Коста-Рика (чеклови қондалар йўқ), Венесуэла (чексиз қайта сайланиш учун махсус рухсат берувчи қондалар мавжуд).

Иккинчиси, узлуксиз муддатларни чеклаш (максимал муддатни ўрнатмасдан): Перу, Сан-Марино, Уругвай, Чили, Швейцария.

Учинчиси, муайян муддатни ўрнатиш (икки муддат): Албания, Жазир, Венгрия, Греция, Ирландия, Польша, Португалия, Руминия, Сербия, Тунис, Туркия, АҚШ, Хорватия, Черногория, Жанубий Африка Республикаси.

Демократик институтларга асосланган бу қоида мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллигини, сиёсий плюрализмни, ҳокимиятни суниестеъмол қилишнинг олдини олиш, ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимининг самарали ишлашини, давлат ҳокимияти тузилмаларининг ваколатлари мувозанатини ва ниҳоят, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим конституциявий кафолати ҳисобланади.

Тўртинчиси, муайян узлуксиз муддатни белгилаш (икки муддат): Австрия, Аргентина, Арманистон, Болгария, Босния ва Герцеговина, Бразилия, Германия, Грузия, Исроил, Қозғоғистон, Латвия, Литва, Молдова, Россия, Словакия, Словения, Украина, Финляндия, Франция, Чехия, Эстония.

Бешинчиси, қайта сайланишнинг тўлиқ тақиқланиши: Жанубий Корея, Мальта, Мексика.

Ўзбекистон қонунчилигида қайд этилган узлуксиз муддатларни белгилаш (икки муддат) тури мустаҳкамланган.

Демократик институтларга асосланган бу қоида мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллигини, сиёсий плюрализмни, ҳокимиятни суниестеъмол қилишнинг олдини олиш, ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимининг самарали ишлашини, давлат ҳокимияти тузилмаларининг ваколатлари мувозанатини ва ниҳоят, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим конституциявий кафолати ҳисобланади.

Сиёсий-ҳуқуқий адабиётларда сайланиш ҳуқуқи пассив сайлов ҳуқуқи деб номланади. Сайлов кодексининг 61-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодлар — пассив сайлов ҳуқуқи талабгорлари қуйидаги тўрт талабга жавоб бериши шарт:

— биринчидан, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги (ёш цензи);

— иккинчидан, давлат тилини яхши билиши (тил цензи);

— учинчидан, бевосита сайловга камидан ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши (ўтроқлик цензи);

— тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши (фуқаролик цензи).

Конституцияда номзодларга бундай талабларнинг қўйилиши бежиз эмас, албатта. Масалан, Сайлов кодексининг 4-моддасида мустаҳкамланган умумий сайлов ҳуқуқининг муҳим принципи — номзод ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги талабидир. Яъни, сайлов куни ўттиз беш ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси президент лавозимига сайланиш ҳуқуқига эга. Аинан мана шу ёшда инсон аниқ фуқаролик ва сиёсий позицияларга, зарур ҳаётий тажрибага, жамиятда маълум эътиборга ва обрўга эга бўлган шахс сифатида ҳар томонлама шаклланади.

Хорижий мамлакатлар қонунларида президентликка сайланувчиларнинг ёши турлича: Колумбияда 30 ёшдан, Австрия, АҚШ, Бразилия, Мексика, Чили, Кипр, Индонезия, Исландия, Ҳиндистон, Польша, Россия, Португалияда 35 ёшдан, Арманистон, Чехия, Эстония, Германия, Ироқ, Молдова, Покистон, Жанубий Корея, Филиппинда 40 ёшдан, Италияда эса 50 ёшдан этиб белгиланган.

Тил билган — эл билади

Конституциямизга мувофиқ фуқаролар жинси, irqий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва



хусусиятидан қатъий назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Шу билан бирга, президентликка номзод давлат тилини яхши билиши талаби белгиланган. Ва бу тўла асосланган чинакам демократик талаб. Маълумки, давлат тили жамият ва миллатнинг асосий рамзи ҳисобланади. Президентликка номзод ўз мамлакати фуқароларининг дунёқараши, тафаккурини, халқининг орзу-умидларини яхши англайдиган ва бундай интилишларни давлат фаолиятида амалга ошира оладиган шахс бўлиши керак.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 32-МОДДАСИГА МУВОФИҚ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА БЕВОСИТА ҲАМДА ЎЗ ВАКИЛЛАРИ ОРҚАЛИ ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛАРИ ЭГА. БУ БОРАДА ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ҲУҚУҚҚА, ЯЪНИ САЙЛАШ, ҲАМ ПАССИВ, ЯЪНИ САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

Шу боис, Президент бўладиган шахс халқ билан эркин мулоқот қила олиши, ўз фикрини аҳолига тушунарли тилда баён этиши, давлат тилида ёзилган ҳужжатлар билан мустақил ишлаш имкониятига эга бўлиши керак. Номзодларга тилини билиш бўйича талаб МДҲга аъзо еттига давлат (Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистон, Украина) конституцияларида қайд этилган.

Халқ билан ҳамнафаслик

Ўтроқлик цензи ҳақида. Маълумки, Конституция ва Сайлов кодексига шундай талаб қўйилганки, унга кўра, бевосита сайловга камидан 10 йил республика ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси президентликка номзод бўлиши мумкин. Нега айнан камидан ўн йил

деган саволга жавоб шуки, энг аввало, мамлакат президенти тақдири ва ҳаёти ўз халқининг тақдири ва ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган шахс бўлиши лозим. Ўн йил — бу бир одам учун халқ билан ҳамнафас яшаши, мамлакат ва унинг минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланиши аҳволи ва истикболларини яхши билиши учун етарли давр. Қолаверса, 10 йил, бу — сайловчилар учун номзод билан яқиндан танишиш ва унинг амалий ишлари асосида эркин танлов қила олиш учун зарур давр. Шуни ҳам айтиш кераки, 10 йиллик ўтроқлик цензи — бу қўллаб-демократик мамлакатларнинг сайлов амалиётида энг кўп қўлланиладиган муддат ҳисобланади.

АҚШ Конституциясига биноан, президентлик сайлови пайтида, АҚШ Президенти лавозимига номзод 35 ёшда ёки ундан катта, АҚШда туғилган ҳамда у ерда сўнги 14 йил ичида доимий яшаган бўлиши шарт.

Давлат иши ва сиёсий ҳуқуқлар

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши керак, деган талабга тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари

24 OKTABR 2021-YIL

O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

“Сиёсий-ҳуқуқий адабиётларда сайланиш ҳуқуқи пассив сайлов ҳуқуқи деб номланади. Сайлов кодексининг 61-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодлар — пассив сайлов ҳуқуқи талабгорлари қуйидаги тўрт талабга жавоб бериши шарт:

— биринчидан, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги (ёш цензи);

— иккинчидан, давлат тилини яхши билиши (тил цензи);

— учинчидан, бевосита сайловга камидан ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши (ўтроқлик цензи);

— тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши (фуқаролик цензи).”

мамлакатларда фуқароликка кейинчалик эга бўлганлар президентликка сайланиш ҳуқуқига эга эмас.

Маънавий-ҳуқуқий талаб

Сайлов кодексининг 61-моддасига мувофиқ қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди. Халқаро ҳуқуқ амалиётида бу қоидага, биринчи навбатда, маънавий-ҳуқуқий талаб сифатида қаралади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими ғоят юксак макомга эга. Бу шахс юрт тақдири, шу мамлакатда ҳаёт кечириётган миллионлаб одамларнинг фаровон ҳаёти учун масъулдир. Шунинг учун номзод муносиб ҳулқ-атвори, интизоми, масъулияти, оддий ҳаётда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам, давлат фаолиятида ҳам қонунга бўйсунмишда барчага намуна бўлиши керак. Шуни таъкидлашни истардимки, бу талаб халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва тамойилларига, демократик мамлакатларнинг сайлов амалиётига тўлиқ жавоб беради.

Давлат раҳбарининг умумий ва тўғридан-тўғри сайлови кўзда тутилган Австрия, Озарбайжон, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Кипр, Молдова, Туркия, Тожикистон каби мамлакатларда конституциялар ва қонун ҳужжатларида жиноят содир этганлик, шу жумладан, оғир, ушқоқ оғир ёки ҳарбий жиноятлар учун ҳукм қилинганларнинг, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг сайланиш ҳуқуқини чеклаш белгиланган.

Бошқа талаблар ҳам бор

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасига кўра, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган. Шу сабабли диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари номзод этиб рўйхатга олинмайди. Шунингдек, давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмагани каби диний ташкилотлар ва уларнинг хизматчилари ҳам давлат сиёсатида аралашмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгил-бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юрталари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари — диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқаролардир. Улар ўз хизмат вазифасига кўра, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни адо этиш билан махсус шуғулланади. Бундай шахсларнинг номзод этиб рўйхатга олинмаслиги улар эгаллаб турган касбнинг ўзига хослигидан келиб чиқади. Бундан диний хизматчиларнинг ҳуқуқлари бузилган, деб ҳисобламаслик керак. Чунки шахс агар президентликка сайланмоқчи бўлса, эгаллаб турган лавозимидан бўшаши лозим ва шундан кейин номзод этиб рўйхатга олиниши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, шунга ўхшаш ва бошқа бир қатор чекловли талаблар бошқа демократик мамлакатлар қонунчилигида ҳам мавжуд. Масалан, номзод икки фуқароликка эга бўлмаслиги ва шу билан бошқа давлат олдидаги сиёсий мажбуриятлари бўлмаслиги белгиланмоқда.

Баъзи араб давлатларида номзодларга келиб чиқиши ҳам шу давлатдан бўлиши, номзоднинг ота-онаси ҳам шу юрtdа туғилган бўлиши, турмуш ўртоғи ҳам шу давлат фуқароси бўлиши, мамлакат ҳаётидаги у ёки бу муҳим воқеада қатнашганлигини ҳужжатлар билан тасдиқлаши, қўчар ва кўчмас мол-мулки ҳақидаги декларациясини тақдим этиши, феъл-атвори яхши бўлиши, муайян динга эътиқод қилишига оид талаблар белгиланган.

Мўғилистонда президентлик сайлови пайтида номзоднинг катта қарзи бўлмаслиги керак, шу жумладан, кредит ва солиқ қарзлари даромадидан ошиб кетмаслиги керак (суд қарори билан белгиланади). Шу билан бирга, Руминияда конституция ва сайлов қонунчилиги президент сайловида иштирок этиш учун бошқа чекловларни ҳам белгилаб қўйган: сиёсий партияларга аъзо бўлиши тақиқланган шахслар президент сайловида иштирок этишига рухсат этилмайди.

Бундан ташқари, Туркияда давлат раҳбари лавозимига судьялар, давлат хизматчилари ва қуролли қучлар вакиллари сайлаша олмайди. Сайловда иштирок этиш учун улар ўз лавозимларини тарк этиши лозим. Мексикада эса президентликка номзод сайловдан камидан 6 ой аввал давлат котиби ёки унинг ўринбосари, бош прокурор, губернатор сифатида фаолият олиб бормаслиги керак.

Хулоса ўрнида шунга қайд қилиш лозимки, юртимизда сайлов қонунчилиги ва амалиёти, жумладан, президентликка номзодларга қонун йўли билан қўйилган талабларнинг барчаси умумэтироф этилган демократик мезонлар ва стандартларга тўла жавоб беради.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати

Участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган календарь режага асосан, шу йил 10-13 сентябрь кунлари сайловни ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссияси томонидан 10 минг 760 та сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди. Участка сайлов комиссиялари таркиби жами 142 минг 44 нафар комиссия аъзосини ташкил этди.

Комиссия аъзоларининг 89 минг 897 нафари аввал ҳам сайлов жараёнларида иштирок этган бўлса, биринчи марта қатнашаётганлар 52 минг 147 нафарни ташкил этмоқда. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг 90 минг 703 нафари олий, 43 минг 761 нафари ўрта махсус ва 7 минг 580 нафари ўрта маълумотли му-

тахассисдир. Улар орасида ҳуқуқшунос, шифокор, муҳандис, педагог, иқтисодчи, журналист каби соҳа вакиллари бор.

Сайлов кодексининг 23-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камидан қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан,

раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақлиф этилиб, номзодлар Халқ

ЭКОЛОГИЯ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ
ДОЛЗАРБЛИГИ КУЧАЙМОҚДА

Ҳасан УСМОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ОАВ ва
жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламини асраб-авайлаш, кенг миқёсдаги экологик инқирозга йўл қўймаслик инсоният олдидаги долзарб вазифаларга айланган. Табиат ва инсон ўртасидаги муносабат маълум бир қонулар орқали бошқарилади. Уларга риоя қилмаслик эртами, кечми, албатта экологик ҳалокатга олиб келади. Табиатда турларнинг ривожига занжир каби бир-бири билан чамбарчас боғланган, улар ўзаро яхлит экотизимни ташкил этади. Хаттоки, бир гиёҳ турининг йўқолиши ҳам яшил олам мувозанати бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Халқимизда “Булоқ суви қури-магунча инсон унинг қадрига ет-майди” деган мақол бор. Асрлар давомида инсон ўзининг тараққиёт жараёни билан бирга экология ин-қирози жараёнини тезлаштирди. Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўз-ғаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири деб эътироф этмоқда. Афсуски, дунё бўйича кузатилаётган иқлим ўзгариши атроф-муҳитнинг турли соҳаларига салбий таъсир etkaz-япти. Дунё мамлакатлари унинг олдини олиш учун қонуний ва амал-лий чора-тадбирларни кўрмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам бу борада тизимли режа асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб боришмоқда. Шу ўринда, аввало, Конституция-мизнинг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эътиётқорона муносабатда бўлишга мажбур-дирлар”, дея белгилаб қўйилгани-ни таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қи-лиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белги-лаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қону ҳужжатлари бу-зилишлари профилактикаси, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришиш-ни таъминлаш мақсадида 2019 йил 30 октябрда “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Рес-публикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепция-сини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Таш-килоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Президенти кечиктириб бўлмайд-диган долзарб масалалар қатори-да Оролбўйи масаласига яна бир бор тўхталиб ўтди: “Давримиз-нинг ўткир муаммоларидан яна бири — глобал иқлим ўзгариш-лариدير. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараёнинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта ҳавф туғдиримоқда”.

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга мувофиқ БМТ шафе-лигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги Траст фонди тузилди. Зеро, Орол денгизи фожiasi нафақат ўзбек халқи, балки башариётнинг энг залворли муаммосига айланмоқ-да.

Статистик маълумотларга кўра, бундан ярим аср муқаддам Орол денгизида ўрта ҳисобда 1082 куб км. ҳажмда сув мавжуд бўлиб, майдони 68 минг кв.км.га тенг бўлган. Ҳозир бу майдон 10, су ҳажми эса 15 баробарга камайиб, Оролнинг сатҳи 29 метрга тушиб кетди. Сувнинг учдан бир фоизи-ни туз ташкил қилади. Шу сабаб яшаш учун бундай ноқулай иқлим шароитида 20 хилдан зиёд балққ турли йўқолиб кетди. Денгизнинг қурган тубидан йилга 100 мил-лион тоннадан зиёд қум, чанг-туз юзлаб, минглаб километр масофа-ларга учиб боради.

Ўзга келган вазият боис, минтақадаги глобал экологик муаммо ҳисобланган Орол фо-жиаси оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи минтақасини ижти-моий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудуднинг экологик ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар иж-росини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари мазкур экологик муаммони ҳал этиш бўйича амалга оширилаёт-ган ислохотларнинг самарадор-лигига эришиш учун қонуний асос бўлди.

2021 йил 30 май куни Ўзе-кистон Республикаси Президенти “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” (P4G) ик-кинчи халқаро саммитидаги нут-қида “Яшил иқтисодий тикланиш” соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича концептуал тақлифларни илгари сурди. Иқ-лим ўзгаришлари дунёнинг барча давлатлари каби Марказий Осиё мамлакатларида ҳам яққол сези-лаётганлиги, минтақадаги асосий дарёлар ҳавзаси ва биологик хил-ма-хилликнинг қисқариб бораёт-ганлиги, буғланиш даражасини оширадиган газлар ва атмосфера-нинг кенг миқёсда ифлосланаёт-ганлиги каби экологик муаммолар нафақат минтақа мамлакатлари-ни, шунингдек, дунё ҳамжамияти-ни ҳам жиддий ҳавотирга солаёт-гани айтиб ўтилди.



Таассуфки, айримлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, эко-логияни асрашга нисбатан маъ-сулиятни ҳис қилмаяпти. Масъу-лийнинг 24 август куни Президент раислигида ўтган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ус-тувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида бу ҳақида танқидий фикрлар билди-риб ўтилди. Дарахтларни кесишга мораторий эълон қилинган бўлса ҳам айрим шахслар томонидан бу қондаларга риоя этилмаётгани кескин танқид қилинди.

“Дарахтларни кесишга мора-торий 2024 йилга қадар узайти-рилади ва жавобгарлик кескин кучайтирилади. Шунингдек, қайд қилинишича, ўтган 6 ойда мо-раторий даврида 316 онга донa қимматбаҳо дарахтлар асраб қолинган. Бироқ, шунга қарама-сдан, ўтган даврда 2,8 мингта қим-матбаҳо ва 2 мингдан зиёд кам қимматли дарахтлар ноқонуний кесилган”, дея таъкидланди.

Йиғилиш якунларига кўра, Тош-кент шаҳри ва вилоят марказла-рида экология полицияси ташкил этилиб, мазкур тузилма зиммасига экология соҳасидаги қонуёнбузар-ликларга қарши профилактика вазифалари юклатилди. Шунинг-дек, экология соҳасида қўлла-ниладиган жараимлар микдори 5 баравар, etkazилган зарар учун компенсация микдори 2 баравар оширилиши белгиланди.

Одамзоднинг атроф-муҳитга салбий таъсири муқаддас дини-мизда ҳам кескин қораланади. Зеро, Аллоҳ таоло оламни ажойиб аниқлиқ, ўзаро боғлиқ ҳолда ҳам-да ундаги мавжудотларнинг хусу-сиятлари, сифатларини ниҳоятда

гўзал ва ҳикматли қилиб яратган. Ҳар битта мавжудотнинг Яратган мазкур экологик муаммони ҳал этиш бўйича амалга оширилаёт-ган ислохотларнинг самарадор-лигига эришиш учун қонуний асос бўлди.

“Албатта, Биз ҳар бир нарсa-ни ўлчов билан яратдик” (Қамар сураси, 49-оят).

Шунингдек, “Фурқон” сураси-нинг 2-оятда “...ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир”, дейилади. Яъники, дунёдаги ҳар бир нарсa: сув ҳам, ер ҳам, ҳаво ҳам, тоғ ҳам, ҳайвонот ҳам, набо-тот ҳам Аллоҳ таоло томонидан ўлчов билан ва бир-бирига боғлиқ қилиб яратилган.

Шу билан бирга, Аллоҳ таоло инсонни дунёни асраш, У Зотнинг неъматларидан манфаат олиш, уларни ҳалок этмаслик, яхшилик йўлида фойдаланиш ва ёмонликка ишлатмасликка буюради. “Аъроф” сурасининг 56-оятда “Ва ислоҳ қилингандан кейин ер юзидa фa-сод қилманг...”, деб буюрилди.

Яъни, одамзод эса мазкур неъм-атларни қадрлаб, асраб-авайла-ш, уларга зарар etkazмай, та-биатдаги мувозанат ва жипсликни бузмасдан улардан фойдаланиши даркор. Бунинг учун эса фуқарола-римизда экологик маданият бўли-ш керак.

Борлиқни асраш, ҳайвонот ва наботот оламига бўлган ғамхўр-лик, табиий заҳиралардан оқило-на фойдаланиш зарурлигини би-либ туриб, унга риоя этмасликни қандай изохлаш мумкин? Истеъ-молдан ортиқча сув жұмрақлар-дан оқишига йўл қўймаслик, сув ҳавзаларини ифлослантирмаслик, ахлатни дуч келган жойга тўкмас-лик, тураржойларни озода саклаш шунчалик мушкулми? Санаб ўт-ганларимиз зоҳиран оддий бўлиб кўриниши мумкин, ботинан эса йи-рик муаммоларнинг олдини олади. Зеро, халқимизда атроф-муҳитни асраш, муҳофаза қилишдек қад-риятлар мўжжасам.

Аслида қадимдан экология ма-саласи долзарб бўлган. Аждодла-римиз ҳам табиат инъомларига ҳурмат билан ёндашиб, уларни ас-раб-авайлаб, покиза саклашга ин-тиланган. Ўзимиздан қиёс қиладиган бўлсак, “Чикиндини ариқча ташла-ма, сувга тулурма, ҳовли ва кўча-ларга ахлат ташлама”, каби ўғит-лар ота-оналаримизнинг доимий тарбия амоллари эди. Афсуски, ҳозирда табиатга нисбатан бундай муносабатда унутилгандек.

Чунки аҳолининг кўча-кўй, ат-роф-муҳитга муносабати шундай таассурот уйғотади. Тоза-тартибли тутиш биргина ҳонадонлар эмас, қишлоғу шаҳарларимизга ҳам те-гишли эмасми? Таассуфки, айниқ-са, шаҳарларда кўп қаватли уйлар, йўллар четида турли хил чикин-дилар сочилиб ётади. Айримлар тўпланган маийш ҳазонларни, чикиндиларни ёндириб, улардан осонгина қутулмоқчи бўлади. Ва-ҳоланки, бунда инсон ҳаётига, иқ-лим шароитига салбий таъсир кўр-сатувчи кўплаб моддалар ажралиб чиқади, ҳавони заҳарлайди.

Мухтасар айтганда, она табиат-га меҳр-муҳаббат руҳида ёнда-шиш, оилада экологик тарбияни кучайтириш, ҳар бир инсонда ат-роф-муҳитга эътиётқорона муно-сабатда бўлиш ҳиссини кучайти-риш зарур. Табиат инсонларнинг барча моддий ва маънавий эъ-тиёжларини қондирувчи асосий манбадир. Зеро, она табиат аж-додлардан қолган мерос бўлибги-на қолмай, балки келажак авлодга бешикка қолдиришимиз зарур бўлган амол ҳисобланади.

Кўзгу

РАВБАТ ВА НАТИЖА

ҚАЛЪДА ҚУВОНЧ БЎЛСА,
ИШГА БАРАКА ИНАДИ

► Бошлиғини 1-бетда

Нафақат ходим, балки унинг оила аъзоси саломатлиги ҳам назоратда

Киши соғлом бўлса, ишида унум, вақтида барака бўлади. Комбинатда фаолият юри-таётган ҳар бир ишчи-ходимнинг саломат-лиги қатъий назоратга олинган. Нафақат иш-чи-ходимлар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам вақти-вақти билан тиббий кўридан ўтқа-зилади, ўз саломатлигини тиклаб, даво муо-лажалари олиши учун шароит яратилади.

Олмалиқ кон-металлургия комбина-ти санаторий-профилакторийсида комби-нат ишчи-ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклаш, профилак-тик муолажалар олиши учун барча имконият бор. Санаторий-профилакторий 210 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда хизмат қи-лаётган 110 нафар малакали тиббиёт ходи-ми уларнинг саломатлигини қатъий назорат қилади.

— Дам олувчилар учун балқик, озокерит

ва турли частотадаги тоқлар билан даволаш, лазеротерапия, галотерапия, гидроаэрои-низация, лимфодренаж, прессотерапия, тур-ли массажлар, умуртқа погонасини тракцион тортиш каби муолажа турлари қўлланилади, — дейди санаторий-профилакторий физиоте-рапевти Умид Умарова. — Ўтган йили тиб-биёт маскани капитал таъмирдан чиқарилди. Шароитлар жаҳон стандартларига мос. Си-хаттоҳда дам олувчиларнинг нафақат жисмо-ний саломатлигини тиклашга, руҳий ҳолати ҳамда соғлом овқатланишига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Бу ерда ишчи-ходимлар ва оила аъзоларининг сурункали касаллани-ши олдини олиш учун мунтазам даво муола-жалари ўтказилади.

Олмалиқ шахридаги мазкур санаторий-профилакторий хамиша одамлар билан гавжум.

— Турмуш ўртоғим Абдумалик Анорбоев йигирма бир йилдан буён ОКМКда иш-лайди, — дейди 57 ёшли Инобат Анорқу-лова. — Тўрт фарзандимиз бор, уларнинг барчаси отаси билан бирга ишлайди. Шу комбинат рўзгоримизни бут, хонадонимиз-ни файзиёб қилиб турибди. Катта ўғлимга ҳовли қуриб, рўзгорини алоҳида қилдик. Қизларни турмушга узатдик. Ҳар бирига машина олдик. Хизматлари масъулиятли, маош ва эътибор ҳам шунга яраша. Ҳар йили нафақат комбинат ишчилари, балки биз — оила аъзоларининг ҳам саломатли-гимизни тиклаш, профилактик муолажалар олиш учун юртимиздаги турли дам олиш масканларига йўлланмалар ажратилади. Айни пайтда ОКМКга қарашли санаторий-профилакторийда дам оляман. Яратилган шароитлардан кўнглингиз яйрайди.

“Ўйли бўлдим — ўйим кетди”

Олмалиқликларнинг айтишича, шахардаги “Мустақилликнинг 27 йиллиги” даҳаси бир вақтлар қаровсиз ер бўлган.

Ушбу даҳада ОКМК томонидан 408 та хонадондан иборат 10 та 7 қаватли уй ҳамда мактабгача таълим ташкилоти қуриб фойдаланишга топширилди. ОКМК бошқарув кенгаши қарори-га мувофиқ, мазкур уйлар комбинатда узок йиллар давомида ишлаб келаётган, уй-жойга муҳтож, кўп фарзандли ҳамда кам таъминланган ишчи-ходимларга, шунингдек, ёш мутахассислар-га ажратилди.

— Бу йўналишда ишлар давом эттирилган ҳолда, ишчи-хо-димларнинг ижтимоий манфаатини кўзлаб, айни пайтда комби-нат томонидан шахримизда яна 8 та 16 қаватли уй қурилмоқда. Ушбу уйлар ҳам комбинат ишчи-ходимларига берилиши кўзда тутилган, — дейди ОКМК ижтимоий бўлими бошлиғи ўринбосари Аҳхам Ғафоров.

Замонавий ва шинам уйлар 388 оиланинг уй-жойга бўлган та-лабини қондириди. Қолган 20 хонадон ҳам хизмат уйи сифатида ишчилар ихтиёрига берилган.



“Ўйдан боғчагача — бир қадам”

Янги уйли бўлишнинг гашти ўзгача. Уйли бўлсангиз-у, фар-зандларингизнинг боғча ва мактабга қатнашда муаммо бўл-маса, нур устига — нур. Даҳада яшовчи ишчи-ходимларда шун-дай шароит бор. Чунки уларнинг уйдан боғчагача йўл — бир қадам.

Комбинат ишчи-ходимларининг фарзандларига бугунги кунда 16 та мактабгача таълим ташкилоти хизмат қилапти. Шунингдек, комбинат ишчи-ходимларининг фарзандларига ёзги таътил вақтида бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун болалар соғломлаштириш оромоҳлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу йилги мавсумда ушбу оромоҳларда жами 3000 дан ортқ бола дам олди.

Ҳудуддаги 2-мактабгача таълим ташкилотида салкам 80 дан ортқ бола тарбияланмоқда. 4 та гуруҳ, 4 нафар тарбиячи ҳам-да шунча ёрдмчи тарбиячи, психолог, дефектолог, ҳамшира ва ошпазлар кичкинтойларнинг таълим-тарбия олиши учун астой-дил ҳаракатда.

“Биздан талаб қилинадигани — ўз тажрибамизни ватанимизда қўллаш”

ОКМК бош энергетикаси Даврон Шербеков Бекобод шахрида туғилган. Тошкент давлат техника университетида электр энерге-тикаси йўналиши бўйича таҳсил олган. Ама-лий фаолиятини Ўзбекистон металлургия комбинатида бошлаган. Энергетика ва ав-томатика тизимини чуқур ўрганиш, ўз таж-рибасини ошириш мақсадида Германиянинг пойтахтимизда жойлашган компаниясига ишга ўтган. Компаниядаги иш жараёнида Россия ва Қозоғистондаги йирик инвести-цион лойиҳаларда иштирок этган. 2011 йил бошида Германияга ишга таклиф қилинган. Салкам 10 йил давомида мазкур давлатда лойиҳалашдан то маҳсулот ишлаб чиқа-ришгача бўлган жараёнда муҳандис сифа-тида фаолият юритган.

— Ўз юртим ривожига муносиб ҳисса қў-шиш истаги уйғонди. Шу сабаб Германия-дан Ватанимга қайтдим, — дейди Д. Шер-беков. — ОКМК — катта ташкилот. Менга масъулиятли вазифа юклатилди, шунга



яраша маош ваъда қилишди. 3 хонали уй совға сифатида берилди, машина ажра-тилди. Биздан талаб қилинадигани — ўз

Салтанат АБДУСАТТОРОВА:

— Оиламиз қончилар оиласи, десам муболага бўлмайди. Қайно-нам 25 йил давомида комбинатда меҳнат қилган. Айни пайтда меҳ-нат фахрийси сифатида кексалик гаштини сурмоқда. Турмуш ўрто-ғим Зокир Абдусатторов Тошкент давлат техника университети таомлаб, 10 йилдан буён ком-бинатда ишлайди. Ўзим ҳам асли қончиман. Навоий давлат қончили-институтда таҳсил олдим. Ниятим — ўз соҳам бўйича ишлаш, эл-юрт қорига яраш. Энг қувонарлиси, шу соҳа ортдан ўз ватанимизда кичик ватанга эга бўлди. Комбинат томо-нидан ёш оила сифатида бизга ҳам уй ажратилди. Дастлаб уй умумий суммасининг 15 фоизини тўладиқ. Қолганини 15 йил давомида тўлаб борамиз. Маошдан ушлаб қолган-ни боис, бизга қийинчилик сезилга-ни йўқ. Ишчи-ходимларга яратилган энг катта имконият шу бўлдики, уй фоизли кредит эвазига эмас, бўлиб тўлаш шарти билан фоизсиз берил-ди. 3 хонали хонадонимизда, кўриб турганингиздек, барча шароит му-ҳайё. Оилавий поликлиника, ёшлар

боғи, мактабгача таълим ташкилоти ва мактаб, спорт мактаби, бозор — ҳаммаси ҳудудимизга яқин. Аввал фикру ўйимиз уй олишда эди. Фар-зандларимиз улғая бошлагач, ота-онанинг ўйи шу бўлиб қолар экан. Турмуш ўртоғим ишдан чарчаб ке-либ ҳам “уй олишимиз керак”, деган ташвишда ўтирарди. Мана, энди уйли бўлдик — ўйимиз кетди.

Комбинатнинг ходими Бахтиёр Жўраев ҳам икки хонали уйга эга бўлди. Бахтиёр комбинатдаги иш фаолиятини мис бойитиш фабрика-сида электр пайвандловчи сифати-да бошлаган. Сўнг чикинди тозалаш цехида механикка ўтказилди. Томск политехника университетиди таҳсил олиб қайтгач, 2-майдалаш цехида таъмирлаш механизми сифа-тида яна хизматини давом эттирди. Касби ҳаётининг мазмунига айлан-ган Бахтиёр бошқа касбда ўзини та-саввур қила олмайд.

Бахтиёр Жўраев ҳам 2020 йили оиласи билан янги уйга қучиб ўтди. Оила боши ҳам, бека ҳам хонадон-да улғаяётган болалар ҳам шароит ва имкониятлардан мамнун.



тажрибамизни ватанимизда қўллаш, соҳа-ни ривожлантириш. Энг муҳими, яқинларим билан биргана. Бу туйғу эса инсонга бит-мас-туганмас қувват беради. Ўн беш йил-дан ортқ иш фаолиятим давомида турли инвестицион лойиҳаларда иштирок этган-ман. Уларнинг энг қиммати 400 миллион долларни ташкил қилган. Ўзбекистонда айни пайтда қурилиши бошланган 3-мис бо-йитиш фабрикасининг лойиҳа қиймати эса 2 миллиард долларга баҳоланмоқда. “Аср лойиҳаси” деб эътироф этилаётган мазкур лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган-ним мен учун катта бахт.

Комбинат тизимдаги ишчи-ходимлар билан суҳбатлашар эканмиз, ҳар бирининг қал-бида айтмоқчи бўлган изҳорлари, хушбар-лари, қувончлари борлигини сездик.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

НУҚТАИ НАЗАР

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Муҳаммади УСМОНОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети профессори,
юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ҳужжатларнинг мазмуни ва муҳимлиги нуқтаи назаридан фикр юритганда, миллий давлатчилигимиз тараққиётида бу каби фармон ва қарорлар биринчи марта қабул қилинган тарихий ҳужжатлар эканини таъкидлаш ўринли.

Бу меъёрий ҳужжатларда белгиланган имтиёзлар, биринчи навбатда, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ташкилий институционал йўналишини яратиш ҳамда давлатнинг болалар ва айниқса, етим болаларга ҳамқўрлигини таъминлашга қаратилган. Хусусан, 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони асосида болалар ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал асосларини тубдан такомиллаштириш ҳамда болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида дунё ҳамжамиятида янги тузилма — Олий Маҳлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) институти таъсис этилди.

Етим болалар ҳуқуқини етарли даражада ҳимоя қилиш учун Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул этиб белгиланди. Етим болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишни доимий таъминлаш ва назоратини олиб бориш учун Миллий гвардияда алоҳида қўмондон ўринбосари лавозими ва алоҳида бошқарма, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида “Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш” кафедраси ташкил этилиб, улар болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Миллий гвардиянинг ҳарбий қисмлари, полигонлари, “чавандозлар мактаблари”да ҳарбий техникадан фойдаланиш, от спортига ўргатиш вазифалари билан шуғулланади.

Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини янада такомиллаштириш мақсадида янги тузилма — Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари (худудий комиссиялар) ташкил этилди.

Миллий комиссиянинг асосий вазифасини боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш, боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш кабилар ташкил этиди.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда белгиланган имтиёзлар болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини такомиллаштиришга қаратилган. Чунончи, тарбияланувчилар Меҳрибонлик

уйини битирганда Миллий гвардиянинг тавсияси асосида олий ўқув юртларига қўшимча квота асосида ўқишга қабул қилинади, уларнинг иқтидорли талабалари стипендияси 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади.

Эндиликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилида SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари битирувчиларига, шунингдек, йигирма беш ёшгача бўлган васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга қўшимча квоталардан фойдаланиш имконияти таъминланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги томонидан ҳар бир Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчаларига 2 тадан олий таълим муассасаси ва спорт мактаблари бириктирилади. Бириктирилган ОТМ ректори Меҳрибонлик уйлари тарбиячилар тайёрлаш, бола-

қарамоғидан маҳрум бўлган болалар коллеж, академик лицей, техникум ва олий таълим муассасаларида ўқиётган даврида коммунал хизматлар учун тўловларнинг 50 фоизи тегишли туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериладиган имтиёзлардан яна бир йўналиши уларнинг бандлигини таъминлаш ҳисобланади. Ўқув-тарбия муассасаларини таъминлаган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳар йили амалиёт ўтайди. Техникум, коллеж ёки олий таълим муассасасига ўқишга кирмаган ҳамда касб эгаллаш истагидаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар “ишга марҳамат” мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказларида касб-хунарга ўқитилади. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурида белгиланган

Етим болалар ҳуқуқини етарли даражада ҳимоя қилиш учун Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул этиб белгиланди. Етим болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишни доимий таъминлаш ва назоратини олиб бориш учун Миллий гвардияда алоҳида қўмондон ўринбосари лавозими ва алоҳида бошқарма, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида “Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш” кафедраси ташкил этилиб, улар болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Миллий гвардиянинг ҳарбий қисмлари, полигонлари, “чавандозлар мактаблари”да ҳарбий техникадан фойдаланиш, от спортига ўргатиш вазифалари билан шуғулланади.

гиланган тизими жорий этилди. Унга қўра, Миллий гвардияга болаларни моддий, ҳуқуқий ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш, ўқув-тарбия муассасаларида сифатли таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйиш, маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ташкил этиш, замонавий усул ва шакллардан фойдаланган ҳолда жисмонан соғлом, маънавий етуқ ва дунёқарashi кенг ёшларни шакллантириш, болаларни спорт турларига қизиқтириш ва жалб этиш, шунингдек, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўринни босувчи шахсларга қайтариш вазифаси юклатилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тарихий ҳужжатлар болаларимиз, айниқса, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни билимли, интеллектуал салоҳиятли, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли баркамол шахс сифатида камол топтиришга, уларнинг таълим олиши, ўз иқтидорини намоён қилиши учун институционал, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини яратишга, бу тизим орқали келгусида ушбу ўғил-қизлар орасидан “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари, Жамоат хавфсизлиги университети тинловчилари, Ватанимизнинг чинакам посбонлари, янги Ўзбекистонни барпо этувчи шижоатли ёшлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ



Ҳақиқий билим ва маҳорат синови

Насиба МАМАРАИМОВА,
халқ таълими вазирининг маслаҳатчиси

Ҳар бир халқнинг тарихи, маънавий қадриятлари ва қиёфаси, аввало, она тилида акс этади. Шу боис, она тилимизни ёш авлодга беталафот етказиш халқимиз келажагини асраш йўлидаги муҳим қадамдир.

Мамлакатимизда ўзбек тилини давлат тили сифатида ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, айниқса, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаментининг ташкил этилиши ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузини ошириш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш имкониятини янада кенгайтди.

Мазкур департамент, Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ўзбек тили ўқитувчилари ўртасида “Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси” танлови эълон қилиниши бу борада олиб борилаётган ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Пандемия шароитига қарамай, ўтган йили Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ҳамкорлигида ўтказилган “Ўзбек тили бўйича энг яхши видеодарс” танловида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг турт ярим мингдан ортиқ ўзбек тили ўқитувчиси фаол иштирок этиди.

Шу ўринда “Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси” танловини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад нима, деган савол туғилиши табиий. Бундан мудоао умумтаълим мактабларидаги ўзбек тили ўқитувчилари орасидан маҳоратли, ташаббускор педагогларни аниқлаш, уларни муносиб рағбатлантириш ҳамда ўзбек тилининг давлат тили сифатида ўқитилиши бўйича замонавий ёндашувларини оммалаштиришдан иборатдир.

Танлов икки йўналишда — таълим ўзбек тилида ҳамда рус ва қардош тилларда олиб бориладиган ўқув муассасаларидаги ўқитувчилар орасидан ғолибларни аниқлашни кўзда тутди.

Мазкур танлов ғолиблари I даражали диплом, пул мукофоти, “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” курак нишони билан мукофотланади.

Сентябрь-октябрь ойларида танловнинг туман (шаҳар), вилоят ҳамда республика босқичлари ўтказилади. 21 октябрь — Ўзбек тили байрами арафасида танловнинг республика босқичи ғолиблари тақдирланади.

Шу йилнинг 20 октябрда танловда қатнашиш истагидаги ўқитувчиларни рўйхатга олиш бошланган эди. Айни кунларда “Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси” танловига рўйхатга олиш якунланди.

Ҳозирга қадар 24 минг 670 нафар ўқитувчи танловда қатнашиш учун рўйхатдан ўтди. Бу эса ўзбек тили ўқитувчиларининг ўз касбий фаолиятини ривожлантиришга иштиёқи юқорилигидан далолат беради.

Қолаверса, педагоглар ўртасида бундай танловларнинг ўтказилиши уларнинг ўзаро тажриба алмашуви, ўз устида кўпроқ ишлаши ва изланиши учун соғлом рақобат муҳитини яратди. Соғлом рақобат эса таълимда ривожланиш ва сифат даражасини оширишга хизмат қилади.

САЛОМАТИК

САРАТОННИНГ ҲАМ ДАВОСИ БОР

Сирожиiddн МАМАЖОНОВ,
Шухрат АЗИЗОВ,
журналистлар

Сўнгги йилларда аҳолига қулай ва сифатли бирламчи тиббий-санитария, тез тиббий ёрдам ҳамда ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш масалаларига қайта-қайта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Гематологик, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган бошқа касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, улар профилактикасини кучайтириш ва келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, аҳолига гематологик ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳага илгор ташхис усулларини жорий этиш ва гематологик касалликларни даволашда трансплантация усулини ривожлантириш, гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 27 майдаги “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари соҳа ривожига муҳим роль ўйнамоқда. Мазкур қарорлар гематология ва онкология йўналишидаги ислохотларни изчил давом эттириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, беморларни узлуксиз равишда дори-

дармон билан таъминлашни ҳам кўзда тутди.

Айни пайтда бу борада кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Хусусан, жорий йил якунига қадар туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг “Аёллар маслаҳатхоналари” таркибида мунтазам равишда аёллар орасида кенг қўламли бирламчи текширишларни амалга оширадиган “Онко-назорат” (Cancer-назорат) хоналари, шунингдек, болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини йўлга қўйиш, жиҳозлаш ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда хоржилик экспертлар ва етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Келгусида суяк кўмиги ўзақ ҳужайраларини кўчириш ўтказиш амалиётини дастлаб Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида, кейинчалик Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида ҳам жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхон-

дарё филиалида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Онкологик касалликларни илк босқичларда аниқлаш имконини берувчи тиббий усуллардан тортиб, уни даволашда қўлланадиган масофавий гамма нур аппаратларига олиб келинди. Қайта ўқитилиб, малакаси оширилган мутахассислар мазкур усуллардан дан унумли фойдаланмоқда. Саратон касаллиги билан оғриган беморларга давлат бюджетидан дори-дармон, озик-



овқат, сарфлов воситалари ажратилмоқда. Кимёвий терапия учун препаратлар ҳам бюджет ҳисобидан келтирилади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 мартдаги қарорига биноан ўтган йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиалида онкология факультети очилди. Бу ерда таҳсил олаётган талабалар энди онкология бўлимида амалиёт ўтайди. Келгусида улар ҳисобига шифохонамизни малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятига эгамиз, — дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиали бўлим мудури Абдукарим Кенжаев. —

Шифохонамизда 250 нафар тиббиёт ходими тун-кун беморлар хизматига. Улардан 30 нафари олий тоифали. Ҳамкасбларимиз халқаро илмий-амалий семинарларда мунтазам иштирок этиб, онкология соҳасидаги янгиликлар билан танишиб боради. Айни пайтда онкология бўлимининг 3 нафар шифокори илмий изланиш олиб бормоқда.

Шифохона ҳудудида янги бино қуриллаётир. Абдукарим Кенжаевнинг

айтишича, бу иншоот қурилиши Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Лойиҳа харажатлари 20 миллиард сўмни ташкил этади. Янги бинода 105 нафар бемор учун ўрин ташкил қилинади.

Шифокорнинг таъкидлашича, саратон қанча эрта аниқланса, даволаш имконияти ҳам шунча кўпаяди. Онкологик касалликлар биринчи ёки иккинчи босқичда аниқланса, даволаш яхши натижа бериб, бемор тез соғаяди. Аксинча, касаллик учинчи ёки туртинчи босқичга ўтса, даволаш қийинлашади. Хасталикни биринчи босқичдаёқ аниқлаш учун



беморлар доимий тиббий кўрикдан ўтиб туриши шарт. Онкология бўлимида эса касалликни эрта аниқлаш учун барча шароит мавжуд. Эндоскопия ФГДС, маммография, УТТ доплер, масофа-

Сўнгги 3 йилда 150 нафар мутахассис хорижнинг нуфузли клиникаларида малака ошириб қайтди. 2021 йилнинг ўтган даврида беморларга дори-дармон, сарфлов воситалари харид қилиш учун бюджетдан 62 миллиард сўм сарфланди.

— Илгари саратон касалликлари билан оғриган беморлар шифо истаб Тошкент ёки Самарқандга боришга мажбур эди, — дейди деновлик бемор Рустам Холосов. — Аниқ ташхис қўйдириш учун чекка ҳудуддан пойтахтга бориб шифохонама-шифохона юриш, дори-дармон, турар жой излаш, беморнинг қош-қовоғига қараб, унга доимий ҳамроҳлик қилишининг ўзи бўлмасди. Чунки вилоятда даволаниш у ёқда турсин, беморларга ташхис қўйиш учун ҳам тиббий усуллар етишмасди. Мана, ниҳоят оворагарчиликлару қўшимча сарф-харажатларга барҳам берилди. Касаллигимга шу ерда — Термиз шаҳрининг ўзида аниқ ташхис қўйилди. Жарроҳлик амалиёти ҳам муваффақиятли бажарилди.

Ҳа, бугун инсоният онкологик касалликлар билан курашда узил-кесил ғалаба қилишга умид боғлаган. Дунё олимлари саратон ҳужайралари ривожга таъсир этувчи вакцинани яратиш мақсадида бир неча йилдан буён илмий изланишлар олиб бормоқда.

Саратон касаллигига қарши курашиш борасида мамлакатимизда ҳам эътироф этишга арзигулик натижаларга эришилди. Хусусан, соҳани тубдан ислох қилиш мақсадида қабул қилинган қарорлар асосида аҳолининг онкогематологик саводхонлиги ҳамда бирламчи бўғин шифокорларининг гематологик ва онкологик касалликлар бўйича ҳушёрлигини, шунингдек, тиббиёт бirlашмалари лабораторияларининг аниқлик даражаси ва лаборатория шифокорларининг анализларни таҳлил қилиш малакасини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тизимда жиддий ўзгаришлар рўй берганидан далолат.

БОҚИЙ МЕРОС



Мухаммадали ҚЎШМОҚОВ,
филология фанлари номзоди, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти в. б.

Нукус шахрида бўлиб ўтадиган II Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида кунги кеча ўз ишини якунлаган бахши, оқин ва жиров ижрочилари кўрик-танловининг республика босқичида боқий санъат турининг давомчилари ўз юксак истеъдод ва иқтидорларини намойиш қилди. Маълумки, мамлакатимизда бахшичилик санъати қаҳрамонлик, ватанпарварлик ҳамда юрт тарихини қўшиқ ва достонларда куйловчи бахши-шоирлар, оқин ва жировларнинг ижодий тафаккури билан авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўз вақтида ушбу анъаналарни ривожлантирган, мукаммаллаштирган Қўрғон достончилик мактаби улугъ намояндаларидан бири – Мухаммадқул Жонмурод ўғли — Пўлкан шоир ҳисобланади.

Ўзбек халқ шоирлари ижодида анъана ва бадиҳанинг тадриҳий бардавонлиги ҳамда улар замирида рўёбга чиқувчи бадий хусусиятларни илмий муайянлаштиришдек мақсадимизни амалга ошириш йўлида изланар эканмиз, Мухаммадқул Жонмурод ўғли — Пўлкан шоир (1874–1941) бадиҳа қилиб айтган “Бургансой кўпкариси” термаси фольклорга оид ва ҳаётий феномен (ноёб даврий ҳодиса), жасорат

эслаб қолиш қобилияти. Одам эшитган гапни ё кўрган воқеани ақлида шундай сақлай биладики, гўё, қулоқ қум билан бекилгандай — мия ва кўнгилда бир умрга сақланиб қолади”. Пўлкан шоир юртдошларининг хотирасида асрлиб, бизнинг кунларимизга-ча етиб келган маънавий бойликлари сиз билан бизга тақдим этишда Раҳим Қодир илмий йўлдан борди.

“Пўлкан шоирнинг тилдан-тилга ўтиб

шайланаётган, юрагида қўшиқ етилган ва уни куйлай бошлаган бахши ҳолатларини аниқ-тиниқ баён қилади:

“Мен хуржундан дўмбирани олиб қўлларига тутқазар эканман, кўнглимга кўрғув ваҳми туша бошладим. Чунки отам баджаҳл бўлиб, майдонда тала-шаётган чавандозлар “қаерлик, ким у”, дея нафрат билан ўзларига нотаниш чавандозларни билиб олаётганида товушида ҳам, кўлларида ҳам қалтироқни сезиб турган эдим. Отам, “Астафирullo!.. Тавба!..”, дея ўзича пичирлар, кўз карашларидан қаҳри кўзгалганилиги билинарди. Кутилмаган қаттиқ ниқташдан от бирдан силкиниб кетиб, шитоб билан пастга шўнғиди, кўрғувдан қалтираб, гўё ҳозир от устидан йиқилиб кетаман, деб отамни маҳкам қўлтиқлаб, бикинига бошимни кўйганимда, елкалари силкиниб-силкиниб кетаётганидан юрагимда кўрғув баттар кучайганди. Отамнинг дарғазаб бўлиб:

*Эй одамлар, одамлар-э!..
Богда битган бодомлар-э!..*

деган овози майдон узра янгради. У дўмбирани қаттиқ чертар ва бор ички овозда баланд куйларди... Ҳа, отам куйларди: худди достонлардаги уруш тафсилотларини баён қилиш ҳолатига ўхшатиб куйларди. Кишиларнинг номини тилга

борган сайин баландроқ эшитиларди... Жанжал босилди. Барча отамга миннатдорчилик билдириб, кўпкарини бошқатдан тинчгина бошлаб юборгандилар...”.

Абдуҳаким Каримов хотиралари ҳам кўпқарида содир бўлган воқеанинг моҳиятини янада чуқурроқ очишга хизмат этади.

Томошабинларнинг гувоҳликлари ҳам чавандозлар эсдаликларига уйғун.

Мулла Қўтир лақабли отахон ҳикоя қилади:

“Пўлканнинг от устида дўмбира чалиб, чавандозларни қўшиққа қўшиб, ҳажв қилишидан завқланиб кетганимдан: “Баракалла, Пўлкан! Бопла бузмакорларни!..”, дейишимни биламан, бахши мен томон ўгирилиб қаради-да, таниб қолиб: “Тов ортидан Мулла Қўтир...”, деб, гўё мени ҳам чавандозларга қўшиб, бош бўлгандай кўрсатиб, шаънимга битилган байтлардан роса култига қолгандим...”.

Бахши терма жанри ички тузилишининг барча талабларига — анъана эҳтиёжларига мувофиқ, лекин тамомила янги руҳга, янги тимсолларга эга, тингловчини қизиқтирадиган, юмор етимишга олиб, уни адоват ботқоғидан чиқариб, маънавий юксалик сари бошловчи асар яратади. Бу эстетик қонуниятни Эргаш Жуманбулбул ўғли куйидагича талқин этган эди:

Халойиқ, шоирман, билинг, Пўлканни...

Зеро, бутун ижодий кучини сарфлаб, халқ бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш шоирнинг бурчидир. Ўзбек халқ шоирлари буни ўз ҳаётининг бош мақсади деб таъкидлаган. Эргаш шоир айтганидек:



ҲАҚ КЎНГИЛЛАР ВА ИЛҲОМ ТАНТАНАСИ

ва илҳом тантанаси сифатида ҳаёлимизни қамради. Яратилган онларидан то бизнинг кунларимизгача тилдан-тилга ўтиб, яшаб келган бу термини ёзувчи, журналист, фольклоршунос Раҳим Қодир “Пўлкан шоир ибрати” китобида эълон қилди. Мазкур китоб Навоий вилоти ҳокимлиги ҳомиилигида нашр этилган.

Халқ оғзаки бадий ижоди вакиллари — айтувчиларини, жумладан, достончиларни уларнинг тингловчиларисиз, тингловчилар муҳитисиз кўз ўнгинизда жонлантира олмайсиз. Фольклорнинг ташувчилари, унинг ўзига хос ҳазина-бонлари юксак орузлар иштиёқи билан ёнган муҳлисларга кунлар, ойлар, йиллар ва ҳатто асрлар оша бешиккаст етказувчи тирик қабарик кўзгулардир, чинакам жонли ойнаи ҳаёлотлардир.

Бу инсонлар дилдан тилга чиққан ҳар бир сўзини, кўнгирёл дўмбирани — ердан кўк сари ўрлаётган қўшиқ тулпорли қанотларининг омонат хуш садоларини илҳақ кутаётганларга тўрт кўз тугал ҳолда етказадилар.

Қумқулоқлик — хотиранинг жони, ақл тўла миянинг боқийлик қафолатидир. “Янги авлод аждодлар тарихи, уларнинг ҳаётдан муайян тасаввурга эга бўлишда хотирага таянади”, дейди Раҳим Қодир.

Шуниг учун халқимиз кучли хотирани фаоллик билан тарбиялашга, унинг фазилатларини оддан тушунтиришга ҳаракат қилади. “Шу кўпқарида отамнинг айтган шеърларининг айрими миямга ўрнашиб қолганди, — деб эслаган Умарқул Пўлканов. — Орадан йиллар ўтгач, кўпқарида қатнашган чавандозлар ва томошабинлардан баъзи кишилар отам тўқиган ўша шеърларнинг айрим байт, бандларини менга айтиб бергандилар. Билмадим, ўша пайтнинг одамлари “қумқулоқ” — хотираси мустаҳкам эканми, ҳар қалай, бировлар ҳақидаги ҳазил шеърларни ёдларига яхши сақлай олиш қобилиятига эга эдилар”.

Юқоридаги фикрларни гўё давом эттириб, тўлдириб, умумлаштириб, биз назарда тутаётган тингловчилар муҳитининг яна бир вакили шундай дебди:

“Ўша кунларни эсласам, мени ҳайратга солган ва ҳанузгача ўйлатган нарса — бу, бахшиларга берилган илоҳий илҳом. Ахир, ҳеч ерда ўқимаган, савод чиқармаган одамнинг достон куйлаши... Битта эмас, кўплаб достонни ёддан бил-лиш қобилиятларини ақлга сиғдиришининг ўзи мушкул. Нима бу! Ҳайратланиб ўйлайман. Уларда хотирлаш шунчалик кучлими? Ёки ўша пайт одамлари орасида тугма “қумқулоқ”лиси кўп бўлганими? Бизнинг жайдари шева тилда, шунақа фазилатли кишилар “қумқулоқ” дейилган. “Қумқулоқ” — бу, мияда жойлаб,

келган термалари бу китобга икки мақсадда киритилди, — деб ёзади у. — Биринчидан, хотирачи воқеага дахлдор термани қандай сиғдириб айтган бўлса, мақолага баъзиси айнан ўзидай, баъзиси эса қисқартирилган тартибда берилди; иккинчидан, кўпчилик оғиздан ёзиб олинган бир терма парчаларини яхлит асар ҳолатига келтиришни маъқул билдик ва шу асосда “Бургансой кўпкариси”, “Аравакаш ва от”, “Бургам”, “Хўрозим” каби термалар вужудга келди. Бу ишда сохталик бўлмай, балки бахши меросини тиклаш, бойитишда янги топилма муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз”.

1936 йили Хатирчида, Бургансойдаги Ўрта кишлоқда яшовчи Болибой сори тўй қилиб, кўпқари уюштирди. Ўрта кишлоқнинг тепалик адирга туташ кенгликларида ўтказилган шу кўпқари қатнашчилари — чапдаст чавандоз ва полвон Қодир Пирназаров, чавандозларга бериладиган “чўрағаси” номига сазовор бўлган машҳур чавандоз Абдуҳаким Каримов, 9 ёшида ўша кўпқарида отаси отига мингашиб юрган — барча воқеаларни кўрган, гап-сўзларни эшитган шоир Умарқул Пўлканов ва бошқа иштирокчилар, томошабинларнинг ҳикоялари “Бургансой кўпкариси” термаси нима сабабдан яратилиб, қандай маънавий, амалий натижалар бергани, буюқ достончи ҳаёт-мамонт масаласини нафосат қўли билан ижобий ҳал этгани, ҳаётбахш шеър кўнгиллардан адоватни аритиб, уларни тозартиргани ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатни ва унга муносиб тарзда вужудга келган бадий ҳақиқатни очади. Зеро, шу тарзда, собит хотира аждодлару авлодларни руҳан боғлайди, халқ маънавий қадриятларининг бардавонлигини таъминлашга ёрдам беради.

Бургансойдаги кўпқари воқеаси Пўлканнинг шоирлик кучи инсоний илдиизлари қанчалик теранлигини кўрсатади. Бургансой кўпкариси иштирокчилари Пўлкан шоир бу бадиҳа термасини қандай яратганини дақиқама-дақиқа, сўзма-сўз эслаб юрганга ўхшайдилар...

Эсдаликларда бахши ва унинг дўмбираси доимо биргаликда тасвирланади. Пўлкан шоирнинг ўғли — Умарқул Пўлканов хотираларидан:

“Отам матога уралган дўмбирани қўлларига олиб борарди... “Дўмбира баданини қитқиллаб, илҳом келтиришда баъзан иш беради”, дерди”.

Чавандозлар жанжалини бостиришга киришар экан, Пўлкан шоир, аввало, дўмбираси мададига суянади:

“Оббо!.. Дўмбирани узат, — деди отам. — Чавандозлар улоқни эмас, бир-бирини судрагани келганга ўхшайди”.

Умарқул Пўлканов шеърй курашга

олганда, отамнинг товуши ўзгариб кетарди: баъзан мурожаат этгандай туюларди; баъзан дашмон, танбех бераётгандай норозилигини билдирарди; баъзан ҳамма билсин, эшитсин қабилида чавандознинг номини атайин қўзиқ оҳанда айтарди... Бизнинг от чавандозлар даврасини ёриб ўтиб, бир неча бор айланди: қаерга бориб неча дақиқа тўхтаган бўлсак, албатта, ўша ерда турган чавандоз отамдан ўзи ҳақида шеър эшитарди.



Ҳаким Ўйрашев оған сурат.

*Чиноқсойдан Бўрибой калта,
Шоирдиннинг ортида ним халта.
Хатирчи кўргондан Улаш бахши,
Бўлмоқ истарди одам нақши.*

*Ботқоқсойдан мулла Наби,
Урушқоқ эмасди насл-насаби.
Бари беш минг йиғитни эрғаштиб,
Булар ҳам келди Бургансойга...*

Отамнинг бунақа оҳангдаги товушини ҳеч эшитмагандим. Бу ҳайқиримки, қичқиримки — билолмадим. Бироқ бир нарсани кўрдимки, шу нафратли кучли овоз майдондаги ҳаммани ларзага солиб, бахши томон қаратди. Бир-бирига қамчи ўқталиб, мушталашмоқчи бўлганларини, элда танилган чавандозларни бирин-бирин номма-ном тилга олиб, шеърлари билан шундай саваладики, улар зўрма-зўраки жилмайиб кўйишар ва “тавба қилдик”, деб кечирим сўрашарди. Анча вақтдан сўнг майдонда жимлик ҳукм сурди. Отамнинг товуши

Мен шоирман, шундай

айтсам ярашар...

Бу шоирликнинг моҳияти шундайки, унинг фалсафий руҳи азалий қадриятлардан, бадий руҳи эса айни дам кўнгил тугёнларидан қувват олиб, бир вужудда бирлашиб, ялакат мағизга айланиб, ягона парвозни амалга оширади. Яъни, Эргаш шоир талқинича:

*Катта шоирларнинг йўли достоним,
Байтларини мен ўзимдан болайдим.*

*Яхши шоир элни йиғар, тарқатмас,
Эр йиғитнинг ошига оғу қотмас...*

Бахши халқнинг кўпқари, пойга каби мардлик, қаҳрамонликка тўла қадриятларини ҳам маънан кўриқлашга масъул эканини ўқтиради:

*Халойиқ, шоирман, билинг, Пўлканни,
Неча кўпқари, пойга кўранни.
Аммо кўрмиди бундай суратни.*

У кўпқари кўнгилдагидек ўтишига жавобгар бақовуллар шу йиғинда ночор қолганларини афсус билан таъкидлаб ўтади:

*Ўзин гапдон билган бақовуллар,
Ишин билмас қуруқ қоровуллар,
Шулар ҳам келди Бургансойга.*

Халқ шоири “тарафқаш ношуд чавандозлар”ни, “бузғунчи носозлар”ни қоралайди, ички ғалаёнларини таъсирчан ифодалайди:

*Оҳ урганда сўзлайдиган сўзим бу,
Урушди истиди, не сабаб, ким у?!*

Номард ўз қилғилиги билан элпи ажратиб юбориши мумкинлигидан хавотирга тушади:

*Уруғ-уруғ, тортиш-тортиш, ажабо...
Ғирромлик оқибатида келиб чиққан ур-сур, тийиксизлик ўзига қанчалик ёмон таъсир қилганини одми, содда баён қилади:*

*Энсам қотди, ҳушим йўқ, э Худое!..
Лекин бу мушкул аҳволдан халқнинг азалии ва абадий маънавий қадриятларига амал қилиш орқали чиқши мумкинлигига бахшнинг имони комил:*

*Кўҳна дунё таърифидан сўзлай,
Юрагим ўртаб-ўртаб бўзлай...*

Ана шунда халқ бирлиги ғояси бутун эл-юртнинг, Ватаннинг олий мақомини белгилловчи ва унинг ушбу устуворлигини тобора мустаҳкамлашга абадий сафарбар, қодир маънавий куч сифатида бадий намён бўлади:

*Аслим билсанг — бир злат ўзбекмиз,
Томир бойлаган бир туپ ўзакмиз,
Тўп бўлибди буғун Бургансойга.*

Ардоқли бахши тўй, туз бериш фақат хусусий, маийшӣ тадбир эмас, балки элнинг иноқлигини бевосита ва билвосита таъминловчи ижтимоий маросимлардан бири эканига ҳам ишора беради. Ва тўй, кўпқари ихтиёрий ёки ғайриихтиёрий тарзда ғирромлик ўўлига ўтганларни ҳам тўри йўлга қайтариш, руҳан тозаришига имкон яратувчи омил, деган ҳикматни илгари суради:

*Инсонда бордир қош билан кўз,
Банданинг шайтонин қилар иноқ туз,
Тўй қилса айтар ўзбек элнинг бариси,
Элни қойил этмас, деб келар сараси,
Тўп бўлибди буғун Бургансойга.*

Пўлкан шоир ҳар бир умидли инсон ҳаёти мазмунини ташкил этувчи “элни қойил этиш” ҳақидаги — ҳамиша

юксаликларга чорловчи фалсафани ўз термасига киритиши унинг халқчиллигидан яна бир далолат.

Чавандоз, полвон Қодир Пирназаров Пўлкан шоир бадиҳа термасининг фалсафий-эстетик ўзаги — ушбу қўйма мисраларни умр бўйи унутмай, давраларда такрорлаб айтиб юрган:

*“Ҳақ томоша кўрсат, алпларим,
Ҳақ кўнгилга солмайди ваҳим,
Ҳақ кўнгиллар келибди Бургансойга!*

Шунда чавандозлар: — Шоир бобо, иккинчи такрорланмайди.

— Айбимизга иқормиз, тавба қилдик!

Кексаю тўйчилар: — Барака топ, Мухаммадқул! — Раҳмат, дунё турғунча тур! Шундай яхши сўзлар билан одамлар бахшини олишлаган эдилар”.

Биз бу ўринда анъана ва бадиҳа ижодий ижросининг ажойиб намунасини кўрамиз: чавандозларни, полвонларни алп деб билиш, улуглаш, алп фақатгина эзгу ишлар қилиши тўғрисидаги қарашлар тананимизга она сутти билан сингиб, руҳимизда ҳар доим уйғоқ ва оғоҳ бўлиб яшайди.

Анъана ва бадиҳа — фольклор асарининг қўш юраги ва қўш қаноти, улар ҳеч қачон бир-бирисиз, ёлғиз яшай олмайд. Бадиҳа муайян анъана кесимида шаклланган маълум ғоявий ёки бадий эҳтиёж тақозоси ила яралади. Шубҳасиз, бадиҳанинг қақрувчилари, етаклаб келувчилари мавжуд. Муайян анъанавий асар, фольклорнинг қайси жанрига мансублигидан қатъи назар, ижтимоий зарур фалсафий ғоя негизда, маълум мавзу ўзанида шаклланиб, узоқ йиллар тадрижий ривожланиб, тугаллик ва мукамаллик касб этади. Унинг тузилиши, фабуласи, сюжет ва уни уюштирган мотивлар, шунингдек, қўлланилган сўз санъатлари ва бошқалар, таъбир жоиз бўлса, биз юқорида эслаган — ўша, бадиҳани қақрувчилар ёки етаклаб келувчилардир.

Бу терма Пўлканнинг шоирлик, одамлилик фазилатларининг ҳаётий ва бадий муассамаси ўлароқ, ўша кўпқари иштирокчилари, томошабинлари, тўйчилар тарафидан теран ва ҳар тарафлама англанди, муносиб қадрланди. Рўй бераётган ҳодисанинг узвий ва тарихий қисми сифатида яратилган бадиҳа асар мустақил маънавий шахсга эврилиб, шу жараённинг ўзидаёқ фаол ижобий таъсирини ўтказиб, издан чиққан ҳаёт оқимини қайтадан асл ҳолига келтириб, айни макон ва замонда, шу воқеа қатнашчилари томонидан ҳалол баҳолини, тақдирлангани тўғрисида бошқа мисол борми? Менимча, йўқ.

Чавандозлар удумига кўра, “ўртага ташланган қатта сарқани олиш — қатта обрў ҳисобланади. Шунинг учун улоқда қатнашган чавандозлар ўзларини четга олмайд. Балки ўзининг қилмигини кўрсатишга ҳаракат қилади”. Охири улоқ “Пўлкан шоир солими”, деб эълон қилинади. Чавандоз, полвон Қодир Пирназаров улоқни олиб чиқиб, отини яловнинг белгиланган маррасида бир айлантириб, тўхтайтиди-да, сарқани шоирга инъом этади. “Пўлкан шоир мийиғида жилмаганча, бошини “йўқ” маъносиди қимирлатади...”. “Ҳурмат қилганингиз учун раҳмат, лекин удумни бузишга ҳаққим йўқ. Ахир, охири улоқ ҳамиша чавандозларнинг нон-насибаси бўлиб келган. Мен буни ололмайман”, дейди.

Айни жавобнинг ижобий таъсири авлодлар оша яшашга қобил, зеро, у бахши халқ қадриятлари асровисини ва ҳимоячиси сифатида собит эканини кўрсатади.

... Миннатдор юртдошлар удум хурматини ўрнига қўйган шоирга лойиқ бошқа ҳадяни келтиради:

“Шу пайт тўйчилар: — Пўлкан шоирнинг солими — мана бу қорамол! — дея қизғиш рангли ҳўқизни етаклаб, элнинг кўз олдида унинг арқонини шоирнинг қўлига тутқаздилар. Шунда майдон узра одамларнинг олишлари эшитилди:

— Пўлкан шоирнинг солими ҳалол! — Ҳалол! — Раҳмат, Пўлкан шоирга!

Тўй эгаси Пўлкан шоир елкасига олача тўн ташлади ва улар бир-бирларини қучоқлади”.

Пўлкан шоир дўмбира жўрлигида, ички овозда қуйлаб, бадиҳа қилиб яратган “Бургансой кўпкариси” термаси анъана ва бадиҳанинг ноқид муассамаси сифатида бошқа улугъ достончиларимизнинг гўзал термалари қатарида яшаб қолишга ишонамиз. Аммо бу терманинг ўзига хослиги яна шунда кўринадики, у халқ бирлиги ва инсонлар Ватани шарафи йўлида ҳақ, эзгулик курашчиси бўлишлари кераклиги тўғрисидаги ўлмас ҳикматни бадий ёрқин ифодалар экан, наинки бир кўпқари микёсда, Эргаш шоир таъбири билан айтсак, “юрақнинг қайғуман занги кетиши”га хизмат қилувчи нафосат салоҳиятини касб этди, яъни чинакам бадий асарга айланди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” М-ҲЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2998.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

76354 нусхада босилди.
“KOLORPAK” М-ҲЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева

Мусахҳх: Насиба Абдуллаева

Дизайнер: Хуришд Абдуллаева

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 02:25 Топширилди — 03:05